

УЎК 634.574

## ҚЎҚОН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ШАРОИТИДА ХАНДОН ПИСТА ЎСТИРИШ

**Х.Т. Машрапов,**

докторант (DSc), Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Тошкент

**Б.И. Эшанкулов,**

катта илмий ходим, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Тошкент

**Аннотация.** Дунё бозорида писта ёнгоқмевасига бўлган юқори талаб, етказиб берувчи мамлакатлар олдига писта ҳосилдорлиги ва ёнгоқмева сифатини ошириб боришини талаб қиласди. Шу сабабли писта ёнгоқмевасини етказиб берувчи мамлакатлар ҳосилдорлик ва унинг сифатини ошириши бўйича олиб борилаётган илмий изланишларга катта эътибор қаратади. Пистанинг ватани бўлган Ўзбекистонда ҳам Пистачилик соҳасига ҳам катта эътибор берилмоқда. Илмий изланишлар натижасида дунё бозорида юқори баҳоланаотиган Акбари, Ахмади каби писта навлари билан рақобатлаша оладиган Ўзбекистоннинг маҳаллий писта навлари яратилди. Ушибу илмий иши натижасида олинган писта навларини катта майдонларда кўпайтириши ва районлаштириши орқали дунё бозорига дадил кириб бориши имконияти пайдо бўлади.

**Калим сўзлар:** ўрмон хўжалиги, майдон, писта, ҳосил, тупроқ, гумус, илдиз, чангчи, уруғчи, плантация.

**Кириш.** Хандон писта сердаромад маданий экин тури ҳисобланниб дунёнинг кўпгина мамлакатларида етиштирилади ва экспорт қилинади. Дунё бўйича етиштириладиган писта ёнгоқмеваси йилига 1 млн тоннадан ошди. Хандон писта етиштириш бўйича етакчи давлатлар АҚШ (406,6 минг т.), Эрон (315,2 минг т.), Туркия (170 минг т.), Хитой (83,3 минг т.) ва Сурдия (56,8 минг т.) ҳисобланади. Хандон писта ўрмонларининг ҳосилдорлигини ошириш учун маҳаллий навларни яратиш ва вегетатив кўпайтириш орқали серҳосил плантацияларни барпо этиш долзарб масаладир [5].

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан барча соҳаларда бўлгани каби ўрмон хўжалиги соҳасида ҳам кенг ислоҳотлар олиб борилиб, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича бир неча қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва

Андижон вилоятларида ташрифи чоғида 20 минг гектардан ортиқ майдонда хандон писта плантацияларини барпо этиш бўйича топшириклар берилган [1].

Пистачиликни ривожлантириш бўйича халқаро миқиёсда кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. *Pistacia vera* L. нинг табиий ўрмонлари маҳсулдорлигини ошириш ва маданий плантацияларини барпо этиш сифатини яхшилаш, серҳосил плантациялар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хандон пистанинг лалмикор ерларда ўстиришга мос, серҳосил, юқори сифатга эга экспортбоп маҳсулот берадиган навларини яратиш, уруғидан ва ёпиқ илдиз тизимида этиштирилган кўчатидан доимий ўсиш жойига экиш ва парваришилаш технологиясини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва муҳим натижаларга эришилган [4, 6, 7].

2020 йил Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан хандон пистанинг ўнта уруғчи ва битта чангчи дараҳтларида патент олинди. Ушбу маҳаллий навлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида районлаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шу сабабли писта ўсиши мумкин бўлган майдонлар иқлим-тупроқ шароитини ўрганиш ва шу ҳудудга мос навларни тавсия этиш каби тадқиқот ишларини амалга оширишга эҳтиёж пайдо бўлди.

**Тадқиқот услуби.** Писта дараҳтларининг таксацион кўрсаткичлари умумий қоидалар асосида; тупроқ тахлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ҳамда «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель» қўлланмаларида кўрсатилган услублар асосида амалга оширилди [2, 3].

**Тадқиқот натижалари.** Мамлакатимизда писта ўстириб мўл ҳосил имкониятига эга ҳудудларимиз катта майдонни эгаллади. Писта туркуми вакилларидан ёнгоқмевасини истеъмол қилиш мумкин бўлган ягона тур бу хандон писта *Pistacia vera* L. нинг ватани айнан Марказий Осиё давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда Фарғона водийси ўзининг юқори сифатли мева етказиб бериш бўйича салоҳиятли ўринни эгаллади.

Қўқон давлат ўрмон хўжалигининг умумий майдони 12629 гектар, шундан 4026 гектари ўрмон билан қопланган майдонлар ҳисобланади. Тоғли ҳудуд-993, чўл ҳудуд-2519, водий ҳудуд-3339 (шундан 1437 гектар ўрмон билан қопланган майдонлар), тўқайзорлар- 5778 (2589 гектар ўрмон билан қопланган майдонлар) гектар майдондан майдондан иборат.

Қўқон давлат ўрмон хўжалигининг тоғли ва водий ҳудудларида хандон писта дараҳтларини ўстириш мумкин. 2000-2001 йилларда хандон писта экилган

бўлиб, бугунги кунда бу писталар шартли сугориладиган шағалли майдонларда яхши ўсиб ривожланмоқда ва ҳосил бермоқда.

### 1-жадвал

#### Қўқон давлат ўрмон хўжалигига ўсиб турган писта дараҳтларининг таксацион кўрсаткичлари

	Дараҳт	Ҳосилни қайд этиш	Бўйи, м	Тана диаметри, м	Шоҳ- шаббаси, м	Танасининг ранги
1	урӯғчи	мавжуд	3,0	0,10	4x4	кул ранг
2	урӯғчи	мавжуд	3,5	0,12	4x3	оч кул ранг
3	чангчи		2,5	0,8	2x3	жигар ранг
4	урӯғчи	мавжуд	3,0	0,08	4x3	кул ранг
5	чангчи		3,0	0,15	3x3	кул ранг
6	чангчи		3,5	0,12	3x4	кул ранг
7	урӯғчи	мавжуд	2,0	0,10	4x4	оч жигар ранг
8	урӯғчи	мавжуд	2,5	0,10	4x4	оч жигар ранг
9	чангчи		2,0	0,8	3x3	кул ранг
10	урӯғчи	мавжуд	3,0	0,10	3x2	кул ранг

1-жадвалдан қўриниб турибдики тасодифий танланган бир қаторда кетма кет жойлашган писта дараҳтларида таксация кўрсаткичлари турлича бўлиб, дараҳтларнинг чангчи ва урӯғчи дараҳтлари ҳам табиий тарқалиш кўрсаткичларига яқин бўлган. Шу сабабли бу дараҳтларни навдор писта дараҳтларига айлантириш заруратини келтириб чиқаради. Ҳудуддаги дараҳтлар ўсиб турган майдон тупроғи ҳам таҳлил қилинди (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Қўқон давлат ўрмон хўжалиги Асад ўрмон бўлимидаги пистазор майдони тупроқ таҳлили

№	Қатлам (см)	Гумус %	N-NO <sub>3</sub> (азот) мг/кг	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (фосфор) мг/кг	K <sub>2</sub> O (калий) мг/кг
1	0-20	0,6233	4,2	5,69	50
2	20-40	0,6054	3,9	5,12	52
3	40-60	0,4880	3,0	4,48	48
4	60-80	0,3724	2,6	3,84	33
5	80-100	0,2624	1,7	2,24	29
6	100-120	0,2370	1,2	2,00	24

2-жадвалдан кўриниб турибдики тупроқнинг юқори қатламидан қўйи қатламига тушган сари озиқавий моддалар камайиб боради. Писта дараҳтларининг дастлабки илдизлари жойлашадиган юқори қатламнинг озиқавий кўрсаткичлари қўйидагича:

Агрокимёвий таҳлиллар натижаларига кўра, 0-20 см қатламда яъни хайдов қатламида гумус миқдори 0,6233 %, 20-40 см да 0,6054 %, 40-60 см да 0,4880 % паст миқдорда таъминланган, 60-80 см да 0,3724 %, 80-100 см да 0,2624%, 100-120 см да 0,2370 % ни ташкил этиб, таъминланганлик даражасига кўра жуда паст эканлиги аниқланди.

Хайдов қатламида яъни 0-20 см қатламда ҳаракатчан азот миқдори 4,2 мг/кг, 20-40 см да 3,9 мг/кг, 40-60 см да 3,0 мг/кг, 60-80 см да 2,6 мг/кг, 80-100 см да 1,7 мг/кг, 100-120 см да 1,2 мг/кг ни ташкил этиб, таъминланганлик даражасига кўра жуда паст миқдорда таъминланганлик кўрсаткичлари аниқланди. Ҳаракатчан фосфор миқдори 0-20 см қатламда миқдори 5,69 мг/кг, 20-40 см да 5,12 мг/кг, 40-60 см да 4,48 мг/кг, 60-80 см да 3,84 мг/кг, 80-100 см да 2,24 мг/кг, 100-120 см да 2,00 мг/кг ни ташкил этиб, ҳаракатчан фосфор миқдори жуда паст эканлиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра юқори қатламдан пастки қатламларга томон озука миқдори камайиб борган. Алмашинувчан калий миқдори таҳлил қилинганда, 0-20 см қатламда 50 мг/кг, 20-40 см да 52 мг/кг, 40-60 см да 48 мг/кг, 60-80 см да 33 мг/кг, 80-100 см да 29 мг/кг, 100-120 см да 24 мг/кг ни ташкил этиб, таъминланганлик даражасига кўра жуда паст эканлиги аниқланди. Юқоридаги тупроқ таҳлил натижаларидан, тажриба даласи тупроқларининг озиқа моддалар билан кам миқдорда таъминланганлигини кўришимиз мумкин.

**Хуноса.** Ўсиб турган писта дараҳтлари ҳолати ва тупроқ шароитининг таҳлилига кўра Кўқон давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида катта майдонларда писта плантациялари барпо этиш мумкин. Пистазорлар барпо этишда тупроққа кўшимча озиқа киритиш, сугориш имкониятларини ошириш каби агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш керак деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.
2. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. М., 1970, С 118.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Изд. «Агропромиздат», М., 1985, С 351.
4. Kayimov A., Kholmurotov M.Z., Eshankulov B.I. Justification of prospective pistachio (*Pistacia vera* L.) varieties and forms while creating plantations in Uzbekistan //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. IOP Publishing, 2021.
5. ФАО. <https://www.atlasbig.com/en-us/countries-pistachio-production>.
6. Hamzayev A. K., Eshankulov B. I., Kholmurotov M. Z., Inomova M. M. Study on cultivation of pistachio (*Pistacia vera* L.) seedlings in containers //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. IOP Publishing, 2020. 012119.
7. Чернова Г.М., Хамзаев А.Х., Эшанкулов Б.И., Шайматов О.А. Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғ олди лалмикор ерларида хандон пистани саноат плантацияларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш. – Ташкент, 2019. – С. 5-6.